

ТОШКЕНТ

ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. + № 159 (6. 050) + 1986 йил 12 июль, шанба + Баҳоси 3 тини.



Мусобақа — маҳсулот сифатини оширишнинг қудратли воситаси

МУСОБАҚА ҲАМДА ОШИҚОРАЛИГИ БИЛАН, ХУЖАЛИК ЮРИТИШ ЯҚУНЛАРИНИ ОБЪЕКТИВ ТАҚҚОСЛАШ БИЛАН, ИЛҚОР ТАЖРИБАНИ ОПЕРАТИВ УМУМЛАШТИРИШ ВА ЖОРИЙ ҚИЛИШ, УРТОҚЛАРЧА ҲАМКОРЛИК ВА ЎЗАРО ЕРДАМ БИЛАН КУЧЛИДИР.

(КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнатшарҳлари Мурожаатномасидан).

Меҳнат беллашуви самарадорлигини оширайлик

Ишчи эстафетасига биноан

КПСС Марказий Комитетининг мамлакатимиз меҳнатқилларига қилган Мурожаатномасини «Ташселимаш» заводи механика-йиғув цехи токарь-автоматчилар бригадаси коллективни жанговар ҳаракат программаси сифатида қабул қилди.

Бизнинг бригаданимиз пахта териш машинаси ишчи қисмининг муҳим узелларини — шпиндель узелларини ва чуқурлик сўғичларини тайёрлайди. Бу деталларнинг микдори ва сифати йиғув қонвеясининг иш суръати, қонвеянинг қандай ишлаши бевосита боғлиқ.

Партиянинг ҳар бир ишчи ташаббуси кўрсатиши, ишга масъулият билан ёндашиши, энг юксак унвондорликка эришишида 1986 йили буриш йилига айлантириш бўйича давлати бригада коллективини оёққа турғазди. Бригада янги ошқорилган мажбуриятлар қабул қилди. Ишловчиларнинг кам микдори билан (ҳозир бригаданимизда 18 ишчи ўрнига 15 киши ишлаётган) энг юксак меҳнат унвондорлигига эришиш — беш йиллик мобайнида бу кўрсаткичнинг 21 процентга ўсиши ҳақида қарор қабул қилди. Ушбу йилнинг 70 йиллигига қадар меҳнат унвондорлигини ўстириш бўйича энг юксак топиш бажарилади.

Социалистик мусобақада моддий ресурсларни тежашга алоҳида эътибор берилмоқда. Биз йилни ёмон бошламадик. Шу йилнинг фақат бешинчи кварталнинг ўзида кескин асосларидан моҳирлик билан фойдаланиш ҳисобига 375 сўм тежашди. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, шу йилнинг ўзида 2,5 минг сўм тежаш мумкин. Икки йил мобайнида 2 тонна прокат тежашди. Бу рақамлар боннинг янги социалистик маж-

буриятларимиздаги муҳим бандлар бўлиб қолади.

Партия маҳсулот сифатини яхшилаш учун курашга чинакам рақобат тўсиши бериш, бу соҳада самарали коллектив ишлатиш олиб бориш зарурлигини таъкидламоқда. Бизнинг бу соҳада ҳам ўз режаларимиз бор. Касб маҳоратини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозир бизда олти ишчи шахсий белги билан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳуқуқига эга. Булар токарь-автоматчилар Миромил Хусанов, Анатолий Куваев, Мансур Миҳрабдинов, презерчи-лар Фотира Рафурова, Вана Корватина ва мендир.

Бугунги кунда биз ўз оқимизга янада юқори вазифа қўйдик: яқин бир-бир йрим йил мобайнида бригада белгиси билан ишлаш ҳуқуқини олашим. Илгори тажрибали аламлиш, ёш ишчиларга оғалиқ қилиш кучаймоқда. Яқинда бригада Игорь Жигачевга разряд олишда қўмаклашди. Эндиликда у ва бошқа ёш ишчилар тажриба, қўлчилари-ни орттириб боришлари керак.

Бошқа цехлардаги бригадалар ҳам шундай юксак мажбуриятлар олишди. Бу гоёт муҳим — чуқур юксак пирувдор натижа ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларидан муваффақиятлари асосида қўлғига келди.

Ўтган ҳафта цех коммунистлари оқин партия йиллигини ўтказишди. Бунда КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатномаси ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети,

ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ўн иккинчи беш йиллик топириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ўтказиш тўғрисидаги қарори асосида коллективнинг вазифалари муҳомама қилинди.

Меҳнат унвондорлигини юксалтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, моддий техника воситаларидан омиликорлик билан фойдаланишга алоҳида эътибор берилди.

Йиллигида сўзлаган саноатчи соловчи А. Токарев, касабаси соловчи В. Василеко, катта мастер В. Рибников ва бошқалар коллектив эътиборини ҳал этилмаган масалаларга қаратдилар. Шерик корхоналар коллективини шайнинг таъкидий фикрлар айтишди. Масалан, «Чирчик-селимаш» заводи жуда паст сифатли металл қўймалар етказиб берилади. Булар ҳаммаси ишда қийинчилик туғдириб, маҳсулот сифатининг пасайишига, таннархининг қимматлашишига сабаб бўлади. Натижада энг юксак меҳнат унвондорлигига эришиш учун мусобақанинг таъсирчанлиги сўзаймоқда.

Биз «Чирчик-селимаш» машинасозларидан танқидимизга эътибор беришларини, «ишчи эстафетаси» принципларида тула амал қилган ҳолда бизга теҳник шартларга тула жавоб берадиган маҳсулот етказиб беришнинг илтимос қилишим.

Меҳнатни ташкил этиш, цехларда инженерлик тайёрларини яхшилаш бўйича ҳам аниқгина иш қилиш керак.

Ю. СТЕПАНЕНКО.
«Ташселимаш» заводи механика-йиғув цехи токарь-автоматчилар бригадаси бошлиғи.

Қурилиш майдонларида

Ер остига — автомобилда

Мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ер ости автомобил гаражлари кенг қўламда қурилаётган бир пайдада Тошкентда шундай гаражлар керакми ёки йўқлиги дедала маънавий ҳаёт юртишнинг давом эттирилди. Лекин шундай бўлсада, соғлом фикр қилиб чиқди ва яқинда «Висот-строй» трести пудратчилари шахсий фойдаланишдаги машиналар учун ер ости гаражини давлат комиссиясига тақдим этидилар. Гараж фойдаланиш учун қабул қилиб олинди.

Бу гараж Ҳамид Олимжон майдонида яқинда барпо этилган баланд ўй-нон бинолари комплекси остида қўйилган. Машиналар учун катта бўлмаган тоннедан ўтиб ўтган блокнинг биринчи қавати бўлди. Бу ер — зарур инженерлик асбоб-ускуналари, электр таъминот системалари, вентиляция, ёнғинга қарши ҳавфсизлик системаси бўлган қулай ва ширин жойдир.

«Гавташкентстрой»да маълум қилишларича, беш йиллик мобайнида пойтахтда қандайдир 1000 та автомобил учун ер ости гаражлари барпо этиш мўлжалланмоқда. Бу эса шаҳар марказида талайгина майдонларни қўламзорлаштириш, ҳар хил маданий-маиший объектлар қуриш учун бўшатки имконини беради. Гаражларнинг аниқ қисми кооперативларга бirlашган ҳаваскор автомобилчиларнинг ўз ҳисобларига барпо этилмоқда.

Ташаббускорлар сафи кенгаймоқда

Ишдан бўш кунларида маданий-маиший объектларда ишлаб беришдек қимматли ташаббусга қўшилган «Тошкентлик» ишлаб чиқариш бirlашмаси меҳнатчилари қонкрет тадбирлар белгилан олмишди.

Уларнинг аниқ куч-гайратлари билан корхона меҳнатқилларининг мактабига болалар муассасаларига бўлган эътибори тула-тўқис қондирилмоқда. Ишчилар бirlашмасига қарашли ўтга болалар боғчасини зарур ускуналар билан таъминлаш ва ремонт ишларида ишдан бўш кунлари фаоллик кўрсатишнинг Улар «Ишчи» пионер лагерини ремонт қилишда ҳам аниқ қатнашган эдилар.

Бirlашмада волонтерларнинг социал маданий-маиший объектларда шу йилнинг ўзида энг камда тўрт кун ишлаб бериш ташаббусига қўшилганлар сафи тобора кенгайиб бораётган.

Изланиш натижаси — ишлаб чиқаришга

Олий ўқув юр்தларининг студент-конструкторлик бюрослари ишлари республика кўрик-конкурсига Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерларини институтининг меҳнатқиллари ҳам қўлбилан қатнашган муносиб ўрин олдилар. Бу жиддий сирода бўлган ирригаторлар бир неча энг яхши ишлар намуналари билан қатнашдилар.

Бир гуруҳа истеъдодли студентлар яратган магнитли филтър ўз конструкцияси билан ажралиб турган. Сувоқликларни филтровкаш бу қурилиш ердамида машина мойларини ҳам сифатли тозалаш мумкин.

Саноат аҳамиятига эга бўлган мажор техниканын англичини ишлаб чиқаришга жорий этиш тадбирлари қурилди. «Ўзбектекстильмаш» ишлаб чиқариш бirlашмаси институт студентлар конструкторлик бюроси билан ўзаро шертнома тузиб, магнитли филтрини қўллаб тайёрлашга киришди.

Тошкент—жаҳонга

Янги буюртмачи

КПСС XXVI съезди номли Тошкент ширини заводи муҳри туширилган 2400 та ширини термаси Йорданияга йўнатилди. Бу ўтган йилга нисбатан 32 минг 100 сўмлик қўл.

Қўшилларда маҳд этилган шахримиз чиниси жаҳон кезмоқда. Яқинда Португалия, Ливан ва Аргентинада бўладиган халқаро ярмаркаларга ҳам ана шу буюмларнинг намуналари йўнатилди.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси Тошкент халқаро кинофестивали қатнашчиларига «Оху», «Баҳор», «Тоғ», «Шон-шариф», «Нафосат» сервислари соға қилинди. Уч хил сервисга пойтахтимиз бинолари тасвири туширилган эди.

Корхонада шу йилнинг учинчи кварталда яна 20 номдаги янги маҳсулот ўзлаштирилади. Улар ўрта Осиё республикалари ва Қозғистонга юборилади.

Лейпциг ярмаркасининг олтин медал совиндорини Ўзбекистон ССР халқ рассоми Ефужон Қорабоев раҳбарлигида чини идишларга янгида-янги нақшлар туширилмоқда.

Ҳозир корхонада йилга 80 хил 31 миллион дон маҳсулот ишлаб чиқариламоқда. Шу кунларда унинг янги корпуслари қад кўтармоқда. Улар 1989 йилда ишга туширилади.

И. РАХМАТУЛЛАЕВА,
ТошДУ студенти.

ҚУЛАЙ, ТЕЗ ВА СИФАТЛИ

«Гавташкентстрой»нинг қурилиш майдонларида ишлаб-ган янги меҳнатқиллашган бетон ёнғичи комплекси бетон ишлари суръатини ўн беш баравардан кўпроқ тезлаштирди. ҚРАЗга ўратилган юқори босимдаги бетон насосининг 20 метрлик ҳартум бинонинг исталган мойига қорини ма узатиш имконини беради. Бу жараёнда қўл меҳнати салмоғи жуда кам.

Агрегат қулай, тез ва юксак сифатда ишлаш тўғрисида Тошкент қурувчиларининг юқори баҳосига сазовор бўлди.

СУРАТДА: механизациялашган бетон ёнғичи комплекси «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамаияти стадионида ишлатиш пайти.

С. Велюкин фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).



ТАСС ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **ИСЛОМБОД**
Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Нажиб Покистонда қилдиган «Мусулман» газетаси саволларига жавоб қайтариб, Покистон ҳарбий режимида у ўз территориясида ҳарбий тайёргарликдан ўтган 50 минг босмачини Афғонистонга юбор-

моқда, деб айтди.
Афғонистонга қарши эълон қилинган урушчи имперализм регионал реакция кучлари жўлдан. Исламбод ҳарбий режими планлаштиратганини ва амалда оширатганини таъкидлади. АДР билан Совет Иттифоқи совет қўшинлари чекланган қисмларини Афғонистондан босқич-

ма-босқич олиб чиқиш кетиш мўддатларини келишиб олдилар, деди Нажиб. У Афғонистон теварағида аҳолини сиёсий бартараф этиш юзасидан Женевада БМТ Бош секретариатининг шахсий вакили ҳолийида ўтказган Афғонистон—Покистон ўртасидаги музокара-лар муваффақиятли яқунла-нишига умид билдирди.

● **ВАШИНГТОН**

Американин сенатори Поля Саймон [демократ, Иллинойс штатидан] Қўшма Штатларнинг ядро сиёсатини тўхтатиб, ядро қуроллари сиёсатини тўхтатиб ва бутунлай таъқиқлаш тўғрисида шартнома тузишни ёқлаб чиқди.


Бундай шартноманинг тузилиши, деб ёздади у «Вашингтон пост» газетасида. «АҚШ манфаатларига мос бўлиб тур-шад ва биз СССРдан намуна олиб, синов портлатишларини ўтказишдан тийилиб туриши-

миз, аниқ пайдада шартнома тузиш тўғрисида музокара-ларни бошлашимиз керак». Агар ҳамма давлатлар ҳар қандай ядро синовларини ўтказишдан воз кечсалар, ядровий қуролланниш поёқасини тўхтатиш мумкин, деб таъкидлайди сенатор.

● **ДАКА**

Шу йил май ойида бўлиб ўтган парламент сессиясидан кейин тузилган Бангладешнинг янги ҳукумати аъзолари бу ерда қасамда қабул қилди-лар.

Замондошимиз



Қўзйбой Нурматовнинг касби сласарь. У 23 йилдан бери шахримиздаги санитария-техника жикозлари заводига самарали меҳнат қилиб келади. Пешқадим ишчи ўз касби билан фахрланади, уни ҳақиқат эъозлайди.

— Мени элда танитган мана шу касб, — деди фахрлиниб. Кейин у Ёнзга ишлари, келгуси режалари ҳақида гапириб берди.

— КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнатқилларига Мурожаатномаси билан яқиндан танишиб чиқдим. Жўмладан, унда «Мусобақа билан мустаҳкам меҳнат интизомини бир-биридан ажратмасдик. Унинг ҳар бир қатнашчиси меҳнатсеварлик, юксак ахлоқийлик ва ушқоқлик намунаси бўлиб қолсин», дейилган жўмалар айниқса биз ишчиларга тааллуқлидир.

Унумли ишлаш ва юқори кўрсаткичларга эришиш учун энг аввало меҳнат интизомини мустаҳкамлаш керак. Бу иш вақтидан самарали фойдаланиш, ишчи минутларини беҳуда сарфламаслик керак демекдир. Бунинг қорғонамиз аҳли яхши тушунади. Шўнга яраша

меҳнат қилади.
Йил бошидан бери ишчиларимиз ўртасида Ушў Оқтябрнинг 69 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора қизиқ бормоқда. Ҳар бир ишчи шу сана шарафига ўз зиммасига қонкрет план ва мажбуриятлар олиб ишламоқда. Шаҳсан мен ўзим байрам нишонланадиган кўнғача ўн иккинчи беш йиллиқнинг биринчи йили план топириқларини бажаришга аҳд қилганим.

Корхона фахри Қўзйбой Нурматовнинг томонидан ҳам муносиб тақдирланди. Унинг кўнсини II даражали «Меҳнат шўхрати» ордени ва бир неча медаллар беэаб турбди. У ўн биринчи беш йиллик илгори. Коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номларга эга. Ҳозир бу илгори ишчи катта бир бригадани бошқармоқда. Унинг аъзолари эса ишчи мусобақа асосида ташкил этиб, корхонада пешқадим ўрилардан бирини эгаллаб келишди.

СУРАТДА: Қўзйбой Нурматов.

Т. Каримов фотоси.

«Дўстлик» Венгрияга жўнади

Ҳар йили ёзда студент қурилиш отрядлари бirlашиб, меҳнат семестрида фаол иштирок этишлари аниқанага айлантади. Ёшлар гайрат-шижоати бери, унумли меҳнатлари билан объектлар қурилишига муносиб хисса қўшадилар. Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан Тошкент Давлат медицина институтини студентлари келдос Венгрия билан дўстлик алоқалари ўрнаттишган. Улар илмий-дўстона алоқалар билан бирга ёзда студент қурилиш отрядларини ҳам алмашди-лар.

Институтнинг ёлочи ва жамоатчи студентларидан ўн беш кишини бirlаштирган «Дўстлик» отряди Венгрияга жўнади. Отрядга Фотхулло Раҳматуллоев командирлик, Юсуф Бобокўлов комиссарлик қилади. II курс стоматология факультетидан Наргиз Амрива, II курс биринчи даражаси факультетидан Анна Кривошева каби институт ёлочи студентлари ёнги меҳнат семестрини зақили ўтказиб қайтадилар. Отряд аъзолари баракали меҳнат қилишлари учун барча тайёргарликдан ўтишди. Улар Венгриянинг Годолло шаҳрида қишлоқ хўжалик ишларини бажардилар. Ўз навбатида Венгриядан медицина университетининг 15 га яқин студенти яқин кунларда Тошкентга келадилар. Улар янги ТошМИ бош ўқув корпуси қурилишида қатнашадилар. Уларни кўтиб олиш ҳамда баракали меҳнат қилишлари учун барча шартлар яратилган.

Отряд бунёдкорлари меҳнат семестрини ало даражада бажариб, партия ва ҳукуматимизнинг оталари га-мхўрликларига зарбдор меҳнатлари билан жавоб беришга аҳд қилганлар.

Ф. ҲОЖИҚУЛОВА.

ҲУҚУҚ БИЛИМЛАРИ—ОММАГА

11 июль кунин Тошкентда бўлиб ўтган илмий-амалий конференцияда КПСС XXVII съезди қарорлари асосида ҳуқуқ пропаганда самарадорлигини оширишнинг ак-

Ягона сиёсий кун МЕҲНАТСИЗ ДАРОМАДЛАРГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

Юлғичликка ва текин даромад орттиришга интилайтган, социализмнинг «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша» деган асосий принципини бузайтган кимсаларга қарши курашга партия ва халқини отлангилар — КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисидаги қарорига ўртага қўйилган вазифадир. Ҳозир даромадига яраша яшамайтган шахсларга қарши курашда совет қонунларининг бутун қучидан ва жамоатчилик фикридан фойдаланиш зарур.

Иш шундай йўлга қўйилиши керакки, порахўрлар, давлат маблағини ўмарувчилар, ташмачилар ҳамда ўзгалар ҳисобига бойлик орттиришнинг бошқа ишчи-болалар ҳаммаининг нафратига дучор бўлиб, ўз қилмишлари учун жазонинг муқаррарлигини билиб қўйсиналар.

Ўзбекистоннинг саккизта областидан ва Қорақалпоғистон АССРда 11 июлда ўтказилган Ягона сиёсий кунда ана шулар ҳақида гапирилди. Сиёсий кун «Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш» социалистик қонунчилигини мустаҳкамлаш ва социал адолат принципини амалга оширишнинг муҳим шартидеган мавзуга бағишланди.

Саноат корхоналарининг, қурилишлар, муассасалар, қолхоз ва совхозларнинг меҳнат коллективлари ҳузурида доклад қилган ишчилар ўзгалар ҳисобига ишлашга интилайтган шахсларга қарши курашни зарурлиги тўғрисида таъкиддилар. Республикада савдо-сотиқ, маиший, коммунал, медицина хизмати соҳаларида татамбирлик ҳодлари мавжудлигини қайт этиб ўтиди. Орамизда шундай кишилар бери, улар текин даромад қилиш мақсадида давлатга қараш-

ли машина ва механизмлардан, транспорт воситаларидан, уй-жой майдонидан, ёқилдиран, хом ашё ва материаллардан фойдаланмоқдалар. Сўзга чиққан кишилар юлғичлик, ҳаётта енгил-ели муносабатда бўлиш ҳар бир меҳнат коллективидан, ҳар бир оилада қораланиши кераклигини таъкидладилар.

Сиёсий кун қатнашчилари таъкидлаб ўтишганидек, халқ мулкнинг талон-торож қилинишидан саклинишини таъминлаш учун мансабдор шахсларга, раҳбар кадрларга нисбатан талабчанлигини ошириш, гаразғўйлик, хизмат мавденин суниестемол қилиш, нопок кимсаларга ҳолийлик қилиш фактларига чек қўйиш зарур.

Ягона сиёсий кунда област, шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари, сайлаб қўйилган партия органларининг бошқа аъзолари, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, партия ва меҳнат ветеранлари меҳнат коллективлари ҳузурида сўзга чиқдилар.

(Шаҳримизда меҳнатсиз даромадларга қарши олиб борилаётган кураш ҳақида бошқа кўпчи материалларни газетанинг 2-саноҳисидан ўқийсиз).

Ягона сиёсий кунда област, шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари, сайлаб қўйилган партия органларининг бошқа аъзолари, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, партия ва меҳнат ветеранлари меҳнат коллективлари ҳузурида сўзга чиқдилар.

Зишнин режалаштирган эдилар. Битмига мувофиқ Париж Янги Зеландияга етказилган 7 миллион долларлик зарарини тўлаш ва ундан кейинги сўраш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Янги Зеландия эса Франция махфий хизмати-нинг 10 йил ҳамоқ мазосига ҳукм қилинган икки офицерини Тинч океанидаги Францияга қарашли оролга ўтказди. Бу ерда улар яна уч йил қароқ жазосини ўтайдилар.

(ЎзТАГ).

(ЎзТАГ).



Хикматнома

Буюк шодлик чашмаси

Саломатлик замини — меҳнат.
Сихатлик ва меҳнат — ака-сингил.
Меҳнат — бахт қалити.
Меҳнат одамнинг чирои.
Дил қувончи, таң қуввати — меҳнат.
Яхши орауни — меҳнат яратди.
Меҳнат — ҳаёт тузи.
Доволик — меҳнатдан тугилди.
Яхши меҳнат таърибаси — ақл бойди.

Меҳнат қилган топади, дангаса одам шамдек қотади.
Меҳнатли бойлик — чироилик.
Меҳнат абадий хазина.
Шон-шараф — меҳнат шарофати.
Ялғовлик — жон офати.
Инсоннинг меҳнати — кўзгу.
Меҳнат қилган шараф топади.
Меҳнатсиз даромад — едирар панд.
Халол меҳнат — зийнат.
Меҳнатда адолат тарози бор.
Текинхўрнинг виждони — доимо ўпқон.
Текин томоқда — виждон йўқ.
Дарахнинг меҳнаси, одамнинг меҳнатига боқ!

Халол меҳнат — таңга роҳат.
Меҳнат — дил равшани, дил қуввати.
Кўл меҳнатда бўлса, оғзингда нон.
Меҳнат қилиб яшасанг, қўрқмай ошасан.
Тер тўкиб ишласанг — роҳат қилиб тишласан.

Меҳнат муқаддас бўлгани учун ҳамма нарсаси қодир.
Меҳнат — азгулик — яхшиликларнинг бирдан-бир асоси. Иккандор кишиларнинг кучи-қудрати, қувончидир.
Меҳнат — мардоналик, қаҳрамонликларнинг негизи бўлгани учун ҳам кишилар ишлайди.
Инсон жамият учун гайрат билан ишласа экан, у на ёшлигини сақлай олади, на қарилқдан қутула олади.
Кимда-ким меҳнатдан барақат бош тортса, у шунчалик барақат қарийди.
Меҳнат — ҳаёт чироғига мой қуйса, тафаккур уни ёқади.
Ким астойдил меҳнат қилса, оғриқ ҳам, касаллик ҳам шунча тез йўқолади.

Хикматларни филология фанлари кандидати Сиддиқ АҚҚАРОВ ва шифокор Убайдулла ШОҒАЙЗОВ тайёрлашган.

Фан ва техника
янгиликлари

ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ БИЛАН...

Бетон заводлари бугун ва электр энергиясини мислсиз миқдорда сарфлайди. Монолит бетон, плита, тузилмалар, буларнинг барчаси бетон муштаси бўлиши, силлини қўриқлини олиб, тезроқ қотиши учун иссиқлик ва намлик билан ишлов берилиши зарур.

Бетонга иссиқлик билан таъсир этишининг барча усуллари талай энергия сарфини талаб этади. Улар қарийб ўн етти миллион тонна шартли ёқилғини ташкил этади. Қизғин шунданки, бу ёқилғининг йигирма беш процентини мамлакатимизнинг жанубий, қайсики қуёшли кунлар йилга икки юз-икки юз эллик кунни ташкил этадиган районлардаги завод ва қурилишлари сарф этилади. Бу ҳолатни ўйлаб қўриш ўринли.

Қаттиқлашган бетонга иссиқлик билан таъсир этиш қондага кўра 70—90 даража ҳароратда амалга оширилади. Айна шу ҳароратта предметнинг қуёш радиациясидан тўғридан-тўғри қизishi боради. Агар зарур бўлса, қуёш энергиясини ўзгартирувчи ва аккумуляторларда 100 даража ва ундан юқори ҳароратни ҳосил қилиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, иссиқлик суви осон ва содда усулда олиш, ҳаро ва бошқа иссиқлик жамғармаси-сувоқчиликларни аралашмаси қуёш энергиясини йилга ва монолит бетон конструкцияларини ишлаб чиқаришга қаратилиши зарур. Бунда қуёш энергияси билан максимал ҳароратга қиздирилган бетон плитани иккинчи плита қопланади. Иккала плита плёнка билан ўралди ва бетонли «бутерброд» ўзига хос парникка айланади. Иккинчи плита юзаси қуёшдан қизийди, ости эса — тағдига плитида жамланган иссиқликдан амалга оширилади.

Маълумки, плиталар етарли даражада кўп бўлиб, улар иссиқлик конвейерини ҳосил қилади. Натижаларга кўра — бетоннинг қотиш муддати анъанавий энергия турлари қўлланилганидан асло кўп эмас. Ҳаттоки, бетон конструкциялари ишлов бериш учун бир мушча содда қуришда бўлса ҳам кўплаб миқдордаги гелополитонларни ташкил этиши мумкин. «Парникли эффект» ҳосил қилувчи пленкада ҳозирдаёки монолит бетонли силос миноралари, қурув, резервуар ва турар жой уйларида фойдаланиш мумкин. Ф. ОРИПОВ тайёрлаган.



БАХТЛИ БОЛАЛИК

М. Мирзакаримов фотоси.

«Оқшом» сабоқлари

Олтинчи сабоқ

Тўғриси, ичкиликбозликка қарши курашнинг авж олгани зап иш бўлди-да! Илгари кўча-кўйда маст бўлиб, гандираблар юрганларга ҳеч ким эътибор ҳам қилмас эди. Эндичи? Гоҳо-гоҳо битта-яримта шунақалар учраб қолса, одамлар худди ҳайвонот бонидан қолган бирор жониворга қарагандай қарашади.

Аммо, сирасини айтганда, бу борадаги ишларни янада кучайтириш лозим бўлади. Врач-наркологианинг уқитишича, ширинликлар, салқин ичимликлар, музқаймоқни иссиқмоқ қилган киши маълум муддатга таъсирли ичимликлар ичгиси келмас экан. Демак, шахримизда ҳам энг аввало музқаймоқ билан савдо қиладиган дўноқларни қўлайитириш керак. Чанқовбосди ичимликлар савдосини ҳам намунали ташкил этиш, улар сонини ошириш керак.

Албатта, бу ўринда сифатни ҳам яна бир қарра куч тартибига қўйиш керак бўлади. Неҳун ҳамон музқаймоқларнинг мазаси йўқ, қисс, морсларнинг суви кўп. Ишонмасангиз, узонча бориб ўтирмай, «Зарафшон» ресторани, ҳовлисида сотиладиган музқаймоқдан бир танавул қилиб қўринг, кейин гаплашамиз.

Дўстлар, яна бир диққат талаб масала бор. Бу юқоридagi ичимликларнинг... нарх-навоси. Ҳа яна нарх-наво ҳандал.

Биз яна оддий арифметика ёрдамида фойдаланамиз. 0,25 литр квас учун 5 тийин тўладигиз. Демак, унинг бир литри 20 тийин. Бир цистерна 1000 эмас, бори 800 литр бўлсин. Ҳисоблаб кўрсак, у 160 сўм бўларкан. Аммо, ахир 0,25 литр кваснинг асл баҳоси 3 тийин эмасми? Энди ҳисобланг: бир литри қанча, цистерна...

сичи? Бир цистерна квасдан қанча нафда фойда қолайпти? Бунга сотувчининг қисасини ўзиндан уриб қилишини қўшганимиз йўқ.

Худди шундай оддий арифметик маҳоратингизни бир цистерна морс бўйича, газ сув, шараблар мисолида ҳам синаб қўринг.

Масаланинг иккинчи шарти ҳам бор. Бу шахсан сиз билан бизга боғлиқ. Нега бизнинг ўзимиз бир стакан квас ичиб, 5 тийин ташлаб кетаверамиз, нега қайтим ташлаб қилмаймиз. Ана шу тийинлар охириқабат қангани ташкил қилишини ҳеч ўйлаб қўрмаймизми?

Бизнинг оддий арифметик лоқайдлигини сотувчининг оддий арифметик юлчиликка ўргатаётганимизми?

Таклиф: юқоридagi ичимлик сотиладиган жойларда масъул идора мутасаддиларининг имзоси билан, ичимликнинг асл (давлат) баҳоси, сотувчининг исми-фамилияси сиз билан қўйилган махсус «паспорт»лар ташкил қилинса. Балки шунда харидор нима сотиб олаётганини, унинг қанчалик баҳосини аниқ билса, бу ҳақиқатдан чекинишлар бўлганда эса кимнинг олдида, қайси ташкилотга мувожабат қилишни олдиндан билса бўлар. Қолаверса бу меҳнатсиз даромадларга қарши курашга қўйилган нақд ҳисса бўлармиди? Сиз нима дейсиз? Балки сизда ҳам бирор таклиф бордир? Унда марҳамат, жавобингизни кутамиз.

Сабоқни
Ахрор АХМЕДОВ
олиб борди.

«Оқшом» сабоқлари акс садоси

4-САБОҚ «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», 1986 ЙИЛ 28 ИЮНЬ

1 августдан бошлаб, жамлакатимизда 1987 йил учун газета ва журналларга обуна бошланади. Келгуси йил обуначилари ва обуна напирларнинг тиражи ўтган йилдан ҳам ошиб кетади деган умиддамиз, чунки бунга бизда қатор сабаблар ва асослар бор.

Шу сабабдан кўпчилик газетхонлар газет ва журналларга обуна бўлиш учун ўз жамғармаларидан кўпроқ маблағ ажратилиши талашмоқда. Шунга қарама-дан айрим ўртоқлар газетга обуна бўлиш ҳақида гапирганида тескари қарайдики, ҳатто обуна варақасини тўлдирганда сабр-тоқат қилмасдан, қўнғиллариникига кўн ора қилса бўлар, фарзандларини чиқарадилар. Ёки баъзилар фақат радио ва телевизион ҳафталик программаларга ёки «Ўзбекистон физик-математика»га обуна бўлиб, ёхуд киносдан сотиб олиб шу билан чегараланадилар.

Шу муносабат билан тўртинчи сабоқда кўтарилган масалалар диққатга сазовордир. Агар «Союзпечать» агентлиги ҳар бир газета киносас атрофида 3—4 газета витриниси ўрнатса ва бу витринага киносаслар доимо мутасадди бўлиб ҳар кун илгари газеталар илб турсалар, бу тадбирдан газетга обуна бўлмаган кўпчилик ўртоқлар баҳраманд бўлар эдилар. Аммо витриналар ўрнатиш, (яъни Москвадаги каби ҳар бир киносас олдида 5—6 витрина ўрнатиш) учун маблағ, ёғоч, ойна ва бошқа материаллар керак. «Союзпечать» агентлиги бу харажатларни ўз молия планига киритиб, тасдиқлаб, усталарга буюртма берганига қадар бир-икки қовун пишшир ўтади. Шу муносабат билан бу тадбирнинг тезлатиш мақсадида қўйилган фикрларнинг ўртага ташламоқчимиз. Биринчидан, ҳар бир корхона ва ташкилотда, олий ўқув юртида ва мактабларда ана шундай витриналарни ташкил қилиш «Союзпечать» агентлигига қараганда тезроқ амалга ошиши мумкин. Бу ҳақда халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетлари тегишли қўрсатма берсалар, ташкилотларда витриналар тезда қад қўтарса ажаб эмас.

Мақолага нукта қўймасдан олдин шунини айтиш керакки, Тошкентда 500 дан ортиқ газета киносас бор. Ҳар бирининг олдида витриналар ўрнатиш кўп вақт ва маблағ талаб қилади. Шунинг учун биринчи навбатда метро станцияларида, Бешёғоч, Халқлар дўстлиги, Бериуни ва бошқа йирик хибон ва майдонларга ўрнатиш мақсада мувофиқдир.

Ҳ. СОВИРОВ, профессор.

Шингил маслаҳатлар

Кийим-кечақлар орасида ёнғоқ барги солиб қўйсангиз, уларга куя яқинлашади.

Оёқ кийимини тез-тез мойлаб турмасангиз қотиб, юзасида ёриқлар пайдо бўлади.

Оқ тусли оёқ кийимини қайноқ сут билан тозаласангиз топ-тоза бўлади.

Кир совунга қўл ювсангиз, ундаги ишқор бармоқларини ёриб, дағал қилиб қўяди.

Термос ичига икки қоний гулгуз солиб, устидан илғу сув қуйиб чайингиз, кейин қайноқ сувда ювсангиз қўланса ҳиди йўқолади.

Қўл кирмайдиган иш ва чинни буюмлар ичига қайноқ сув қуйиб, гизимланган қозғоқ солинг ва яхшилаб чайқатинг. Буюм тоза бўлади.

Қўлга ёки баданга теккан сиеҳ доғини ацетон ёки одекон билан осон кетказса бўлади.

Хуллас бир ҳафта шу аҳвол, ҳаммадан даққи эшитиб юрдим. Тушликни ҳам ошхонадан узокроқда қилиб юрдим. Янги ҳафтанинг бошида энди у гаплар эскириб кетгандир деб институт ошхонасига тушдим. Бир киши келиб навбатнинг охирини сўради. Бир ордан сўнг шегирини навбатга қўйиб, ўзи дарров қайтиб келишини айтганда, шунда дўсти сўраб қолди:

— Сен кимдан кейин ўзи?

— Анову йигитдан кейин, танималасанки тунов кунни лекция эълон қилиб, ўзи кетиб қолган эди. — деди мени кўрсатиб.

Яна даққи эшитганимдан иштаҳам ёлпа қўрилиб, ошхонадан чиқиб кетдим...

— Сен кимдан кейин ўзи?

— Анову йигитдан кейин, танималасанки тунов кунни лекция эълон қилиб, ўзи кетиб қолган эди. — деди мени кўрсатиб.

Яна даққи эшитганимдан иштаҳам ёлпа қўрилиб, ошхонадан чиқиб кетдим...

— Сен кимдан кейин ўзи?

— Анову йигитдан кейин, танималасанки тунов кунни лекция эълон қилиб, ўзи кетиб қолган эди. — деди мени кўрсатиб.

Насрулла АЛИЕВ.

Муомала одоби

ТАНИШЛАР

БИЛАН

КЎРИШГАНДА

Дўст-биродарлар, таниш-билишлар билан кўришганда самимий, оддий ва ҳушмуомала сўрашиш фазилат ҳисобланади. Одатда салом-алиқдан сўнг сихат-саломатлик, иш-муш, тинчлик-хотиржамлик, уй-иқидатлар аҳволи сўралади. Аммо ёш йигит ёки қизча ўзидан катта кишилар билан кўришганда: «Ишларингиз қандай?», «Тинч юрисизми», деб сўрашиши муомала одобиға сиемайди, катта одамга нисбатан бу қўпол туюлади. Бунинг ўрнига оддий салом бериб: «Яхшимизсиз, соғлигингиз яхшимиз» деб қўйилса кифоя қилади.

Калондимоғ баъзи кимсалар ҳам унрайдики, ўзидан ёшроқ танишини кўрса томон тараща тушгандек: «Бормисан, юриб санам!» деб сўрашади. Бу жуда ҳушмуомала бўлиб, одамнинг дилини ранжитиши.

Яна баъзилар борки, унрайдиган таниш-билишлари билан кўришса туриб, охири одамга менсимасангиз: «Сиз ҳам яхшимизсиз», деб қўл учини узатади, бу одамнинг кўнгли чўкиб қолади.

Хол-аҳвол сўрашганда назоратли бўлиш — кишининг фазилатини ошириб, кўпчиликнинг меҳр-ҳавасини ўзига тортади.


ОЛДИН

ЎЗИНГА БОҚ

Одам боласида қизиқ ва ёқимли бир одат бор: бирор нарсани хўш қўриб ҳарид қилса ёки бирор иш қилса ён-атрофдагиларга кўрсатиб «Яхшимиз!» ёхуд «Қаранг, ярашибди!» деб фикирни сўради. Бу одат оқ кўнглилик, самимийлик, ҳаммага ўзига яқин яқин, қўнғиллаш, иштиёқини рамаз ҳисобланади. Шундай пайда кўпчилик чин дилдан у одамнинг яхши иш қилганини ёки ўзига жуда ҳам ярашқили кийим олганини айтди, бажарган иш ёки қилган кийимда нуқсон-кам-чилик бўлса холсаналло фикр билдиради, ҳатто: «Мана бундай қилса жуда яхши бўлади», деб яхши маслаҳати билан ердан беради.

Афсуски, баъзилар бировнинг ҳаёти, хоҳиши, таъби-одати билан ҳисоблашмай, унинг бажарган ишини камситади, ярашиб турган кийимини кўриб лат ўради, ҳатто масҳаро ҳам қилади, бир сўз билан айтганда, ўзига қараб бировага тўн бичади. Бировнинг яхши меҳнатини, ярашқили-чироили кийиминини кўролмайдиган одам ҳасадчи бўлади, ичидан куюнади, дили тобора қорая боради. Шундай одамларга: «Олдин ўзингга боқ, сўнгга ногора қоқ», дейиш, яна ҳам тўғрироғи: «Дилингни пок тутишини ўрганиб ол!» дейиш керак.

Т. РАСУЛЕВ.



Яшиллик олами, зилол сувар, қарақлаган офтоб ҳаммаси таңга роҳат, дилга қувват. Қайиқда қўлни сайр қилиш ором бағишлайди.

Т. Каримов фотостудия.

Табиатнинг

қизиқ табиати

СУВНИНГ

ИСИБ-СОВИШИ

Келинг, бир қулишайлик

Ҳинд хандалари

Нотик мажлис раисидан сўради:

— Шунча узоқ гапирга оламанимиз!
— Қанча гапирганимиз лозим кўрсангиз, шунча гапираримиз, аммо сизини оғоҳлантириб қўймоқчимизки, сиз 10 минут гапирганингиз билан биз залдан чиқиб кетамиз.

— Доктор, мен ишладан нафратланаман. Бу қанча қасаллик! Фақат илмий терминологиясиз тушунарли тилда айтмасангиз, англолмайман.

— Дангасасиз.

— Энди илмий термин билан мазҳаб берсангиз, бунини ўз бошлиғига етказардим.

Олим ва унинг шофери топшириқларини ечиш борасида баҳс-лашб қилишди. Аввало неча пўлдан ўйнашни белгилашга қарор қилдилар.

— 10 рупийдан, — деди олим.

— Шоферда шунча пўл қаёқда дейсиз! Адолат юзасидан шундай қилайлик: сиздан 10 рупий, мендан эса — 1. Олим рози бўлди. Шунда шофер сўради:

— Қандай ҳайвон ер устида юриб, ер тағида судралади, дарахдан дарахга сакрайди ва осмонда унади!

Олим ўйлана-ўйлана ҳеч нарса дея олмади 10 рупийини узатди.

Шофер деди:

Энди сизнинг галингиз...

— Яхши. Энди айтганим, ерда юрадиган, замин тағида судраладиган, дарахдан дарахга сакрай-оладиган ва нисҳот осмону фалақда уш оладиган ҳайвон нима экан!

— Билмадик, деди шофер ва олимга 1 рупий узатди...

Н. ОЧИЛОВА таржимаси.

Ҳар тўғрида

ПАРАШЮТЧИ ЧОЛ

ЭН-ИККИ МИНГ ХИЛ

Чехословакиялик ошпаз Эденек Матула ўзининг бутун ҳаёти давомида ўн икки минг хил овқат рецептини ўйлади. Унинг коллекцияси жаҳондаги энг бой коллекция ҳисобланади. Энг қадимий преискуртант 1874 йилга тегишли.

ОҲ, БУ ЛАЪНАТИ ТАМАКНИ!

Англияда «Бритиш медиқал джорнэл» газетаси ўтказган тадқиқотларга қараганда чекмайдиган ота-оналардан тугилган чақалоқларнинг 91 процентиди, чекадиган ота-оналардан тугилган чақалоқларнинг 91 процентиди ошқозон сангини кузатишган.

С. ҲАМРОЕВА тайёрлаган.

ТУРСОА ОЛАМ

Кўнглини қаранг...

Уммон султонида яшовчи Бен Салман Мувалининг ишонтириб айтишича, ёшнинг бир юз элликдан ошганда ҳам саломатлигини, бардамлигини ва қайфи қўнглинги саклашингиз мумкин экан. 150 ёшга тўлган муътабар қариянинг айтишича, бунинг учун ҳар кун 6—8 километр пийда сайр этиш ва тўғри овқатланиш лозим. Шунинг ҳам айтиш керакки, Мували бот-бот ва оз-оздан овқат тамадди этади. Мувалининг ўзи гўштли таомларни, табиий асал ҳамда нон истеъмол қилишини айтиди.

Бирок, қария бир муаммони ҳал этиш лозим бўлиб турибди. У уйланимочки. «Мен ун марта уйланиман ва энди тўртинчи марта уйланишга тайёроман. — дейди Бен Салман Мували. — Қарангки, қалликлар жуда катта миқдорда қалин пули сўрашпти...»



ЭРДАН ҚЎРҚУВ

Маълум бўлишча, швейцариялик аёллар судлов органларидан кўра эрлардан кўпроқ қўриқиб, оилавий пул жамғармасидан сарфлаганликларини эрлари олдида тан олгандан кўра, қонун билан жазоланадиган ҳатти-ҳаракат қилишни афзал қўришар экан. Валле кантонлигида яшовчи бир аёл қўнғиллади, у эрининг ўғирликлари тушганида айблади. Полиция келгунча шу гапда туриб олди. Кейин маълум бўлишча, у эрининг рухсатсиз динг франкдан энг пулни ишлатиб юборган ва бунинг эрдан яшириб, ёлгон гапирган экан. Оберглатда яшовчи бир аёл ҳатто кулол босқинчиликка дахл келганини баҳар қилган. Бирок, у ҳам кейинчалик ҳаммаини бозорда йўқотиб қўйганини тан олди. Мана энди ўзингиз, қулоса чиқаринг: полиция ҳавфлими ёки эри?


ЧАҚАЛОҚЛИКДАН ЧИКИНИШ

ГДРда ёш авлодини жисмоний тарбиялаш программасининг энг муҳим бандларидан бири чақалоқликдан чиқиб, тириш ҳисобланади. Ҳозирги пайда болалар «исплари ва боғчаларида, мактабларида ҳафтада бир неча марта совуқ суя қабул қилишади. Ёзда тўғридан-тўғри очик ҳавода совуқ суя қабул қилишади. Врчалар болалар ва кеталарга йил бўйи (қушда ҳовлада) совуқ суя қабул қилишини ва оёқларини тез-тез совуқ суяда ювганини таъсия этишмоқда. Чиниқайлар — «коржлар» (улар республикада 5 минг киши) қиш фаслида муздек дарё ва қўлларнинг сувларида сузиб юришади.



БИОРИТМИК СОАТЛАР

Япониядаги «Сейко» фирмасининг янги соати киносасини босиб, унинг эгаси бир ҳафтадан кейин ёки ролп-ро-са эллик килдан кейин ўзини қандай қил эшитиш ва қайфияти қандай бўлишини била олади. Соат шундай программалаштирилганки, у эгасининг туғилган кун ва йилини «билган» ҳолда, унинг «аэлолари» ва «рухати», унинг биоритми, у агар 200 йил яшаса, 1901 йилдан то 2099 йилгача исталган кунда қандай бўлишини автоматик равишда маълум қилади.



МУЪЖИЗАКОР ПЛАС-ТИРЬ

Венгриялик инженер-электрик Отто Маласта спазматик ва ревматик мускул касалликларидан даволовчи пластирининг патент берибди. Пластирининг 55 минг нуқсаси ҳозирда 25 мамлакатга жўнатилади. Маласта ўз иxtirosини шунга асослаганики, мускулдаги зарча оғирлар бодни қўшган ҳолда қисқартирилиши ва бартараф этилиши мумкин бўлган томир тўрачани билан боғлиқдир. Ашавк бўлиб қолгани эса айрим минераллар тарқатувчи гальваник ток билан мушакларга таъсир кўрсатиб, қисқартириш ёки бартараф этиш мумкин.



Сўлим боғларнинг соя-салқин қўчоғида дам олиш вақтларини кўнглини ўтказиш завқ-шафқ бағишлайди. Ёшларимиз истироҳат боғларидаги аримчак-нарсаларда қувонч-севинч билан ўз гаштини суринишмоқда. Штатсиз фотомўхбиримиз Э. Зоҳидов олган бу этюдни «Бахтли замонамиз ёшлари» деб атадик.



Москвада биринчи бор ўтказилган яхши ният ўйинларининг очилиши маросими, бу маросимда М. С. Горбачев сузлаган нутқ менида жуда катта таассурот қолдирди, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда сузаш бунча АҚШ терма командасининг аъзоси Рэнди Эверетт. Айниқса, ана шу тўла спектрдаги кўнглини ўтказишнинг маҳорати ва ўзининг фойда-шукҳи мени дод қолдирди. Мамлакатимизга кел-

ганимдан кейин дастлабки кўнглида совет кишилари бир қадар тунд экан-ку, деган ҳаёлга борганимни яшириб ўтирмайман. Аммо Лужникидаги ана шу кишини танг қолдирадиган томоша фикрини ўзгартиришга мажбур этди. Москва ва Қизил майдон америкалик спортчида ажойиб таассурот қолдирди. Машиқлар ва мусобақалардан бўш вақтларида Рэнди ва ўзининг командадош ўртоқла-

ри яна Москва марказига келиб, Кремлни яна айланиб чиқишмоқчи. — Мен биринчи бор ўтказилган яхши ният ўйинларида иштирок этаётганимдан хурсандман, бу ўйинлар гоёсини батамом қўлаб-қувватлайман, — деб сузини давом эттирди Эверетт. — Бу мусобақалар тўғрисида биз СССР-га келиш имкониятига эга бўлдик, бу мамлакат ҳақида ҳар биримиз ўзини яна яраша таассурот ҳосил қил-

дик. Мамлакатларимиз ўртасидаги айрим тафовутлар ҳаддан зиёд ошқириб юборилмоқда. Навбатдаги яхши ният ўйинларининг АҚШда ўтказилиши совет спортчиларига ҳам бир неча ҳафта мобайнида АҚШ халқи билан танишиш имкониятини беради. Биз одамлар ўртасидаги алоқани ҳамisha кенгайтириб бораверишимиз керак.

А. РОЖКОВ,
(ТАСС мухбири).

ҒАЛАБАНИНГ ОЛИС ЙЎЛИ

— Саволларга ҳозир жавоб бера оласизми? — деб сўрашди кўпсонли журналистлар энгил атлетика бўйича яхши ният ўйинларининг биринчи чемпиони Надежда Гумеровалар у марра чизининг босиб ўтгани билан. У Москва-Рена соҳилидаги асфальт йўл бўйлаб 42 километр 195 метр масофа-

ни югуриб ўтган эдида, ахир. — Албатта, — жавоб қилди у. — Атлетикага мен чанги спортдан ўтган эдим. Менинг эриям ҳам чангичи, мамлакат ўсмирлар терма командаси сафида қатнашган. 7 ёшли ўғилчаим эса қайси биримизнинг йўлимизни тутишни ҳали танаб олганича йўқ. Биринчи мара-

фонимни 1980 йилда тугатган эдим. — Сузининг энг яхши натижаларингиз қандай? — Бугун маррага 2 соат 33 минут 35 секундга етиб келиб, шахсий рекорд ўрнатдим. Демак, 37 ёшда ҳам рекордларни ахшласа бўлар экан. Старт кечқурун берилганда янада яхшироқ

натижага эришиш мумкин бўларди. Ҳар ҳолда эрталаб югуриш анча қийин. Ҳозир марафон югуришни бўйча Европа чемпионатида қатнашиш учун тайёрланишни бошлайман.

(ТАСС мухбири).

Редактор ўринбосари
С. Б. ЕҚУБОВ.

КИНО

12 ИЮЛДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«БИРГИНА ХАТО» — Санъат саройи (катта зал, 16, 18, 20, 20.40; кичик зал, 17, 19.30; телефонлар 44-21-34, 44-21-44), Нукус (16, 18, 30, 20.45; телефон 46-70-69) Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (16, 18.30, 21.00), Қозоғистон (17, 18, 20, 21.00; телефон 35-24-92).

«ЯККА СУЗИШ» — Искра (жуфт соатларда, телефон 39-14, 59), Ватан (16, 18, 21.30), Восток (жуфт соатларда), М. Шайхзода номли (тоқ соатларда), «ТЎРТИНЧИ КИМИ» — Восток (кичик зал, тоқ соатларда), «ҲАРОЙИБ ҲАҲИЖА» — ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда).

«РАКС МАЙДОНЧАСИ» — Чайка (жуфт соатларда), Тошкент Советининг 30 йиллиги (тоқ соатларда), «УЧ АКА-УКА» — Москва (тоқ соатларда).

«МУҲАББАТ ДАРДИ» — Янгйобод (17, 20.00).

13 ИЮЛДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
«БИРГИНА ХАТО» — Санъат саройи (катта зал, 11, 13.30, 16, 18, 20.40; кичик зал, 12, 14.30, 17, 19, 30 телефонлар 44-21-44, 44-21-34), Нукус (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45); телефон 46-70-69), Ўзбекистон ССР 25 йиллиги (11, 13.30, 16, 18, 30, 21.00), Қозоғистон (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00; телефон 35-24-92).

«ЯККА СУЗИШ» — Искра (жуфт соатларда, телефон 39-14, 59), М. Шайхзода номли (тоқ соатларда), Ватан (12, 14, 16, 18, 20, 21.30), Восток (жуфт соатларда).

«ТЎРТИНЧИ КИМИ» — Восток (кичик зал, тоқ соатларда), «ҲАРОЙИБ ҲАҲИЖА» — ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда).

«РАКС МАЙДОНЧАСИ» — Тошкент Советининг 30 йиллиги (тоқ соатларда), Чайка (жуфт соатларда), «КАТТА МАНЕВРЛАР» — Москва (тоқ соатларда).

«ЮБИЛЕЙ КУТИБ ТУРАДИ» — Тинчлик (13, 15, 17, 19, 20.45), «УЧ АКА-УКА» — Г. Ғулом номли (11, 14, 17, 20.00), «МУҲАББАТ ДАРДИ» — Янгйобод (11, 14, 17, 20.00).

ДИҚҚАТ!

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИ БИНОСИДА 12 ИЮЛЬ СОАТ 19.30 ДА РЕСПУБЛИКА САТИРА ТЕАТРИ

ЎЗИНИНГ БИРИНЧИ МАВСУМИНИ АБДУЛЛА КАХХОРИНИНГ «ТОВУТДАН ТОВУШ» САТИРИК КОМЕДИЯСИ БИЛАН

ОЧАДИ

КИТОВСЕВАРЛАР ВА МУТАХАССИСЛАР ДИҚҚАТИГА

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИТОВ МАГАЗИНАЛАРИГА НАШИРЛАРНИНГ 1987 ЙИЛГА МУҲАЛЛАЛАНГАН ТЕМАТИК ПЛАНЛАРИ КЕЛИВ ТУШДИ

«ШАРҚ АДАБИЯТИ БОШ РЕДАКЦИЯСИ»
«МИР» (чет тиллардаги адабиётлар)
«ПЛАНЕТА»
«ПРОГРЕСС» (рус тилидаги адабиётлар)

«РАДУГА» (рус ва чет тиллардаги адабиётлар)
«СОВЕТСКИЙ ХУДОЖНИК»

Маъмур нашриётларнинг тематик планлари бўйича олдиндан буюртмалар бериш мумкин.

«ТАШКИНГА» ШАҲАР КИТОВ САВДОСИ ИДОРАСИ

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов районидagi 219-ўрта мактаб томонидан Раҳимжоновна Барно Абдуллаева номли берилган 994782 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Киров районидagi 235-ўрта мактаб томонидан Умарова Инобат Усмоновна номли берилган 438454 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрига қарашли «Уз-трансстрой» ишлаб чиқариш бирилмаша ва ишлаб чиқариш-технологик комплектациялаш бошқармаси коллективлари бирилмашининг молия бўлими бошлиғи

Аҳмадjon Яҳвич ЕҚУБОВНИНГ вафот этганини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрилиги
АБДУРАХМОНОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКУМИ
1986—1987 ЎҚУВ ЙИЛИГА

қўйидаги ихтисослар бўйича
КУНДУЗГИ, КЕЧКИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА
8-10 синф ҳажмида маълумотларини

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ


қўн, пойабзал ва мўйна корхоналари ускуналари, тикув фабрикалари ускуналари, қўн буюмлари технологияси, тикув ускуналари технологияси, пойабзалларни моделлаштириш ва қўни бадий безаклаш, йигирув ва тўкув фабрикалари технологияси, қўн буюмлари технологияси, трикотаж ишлаб чиқариши, энгил саноат корхоналарида планлаштириш.
Кундузги бўлимида 8 синф ҳажмида маълумот билан ўқиш муддати 3 йил 6 ой, 10-синф ҳажмида маълумот билан 2 йил 6 ой, кечки бўлимида 10-синф ҳажмида маълумот билан 2 йил 9 ой, сиртки бўлимида 8-синф ҳажмида маълумот билан 4 йил 6 ой, 10-синф ҳажмида маълумот билан 2 йил 6 ой, энгил саноат корхоналарида планлаштириш ихтисослиги бўйича 1 йил 10 ой.

8-синф ҳажмида маълумотлар она тили (диктант), математика (оғзаки), 10-синф ҳажмида маълумотлар она тили ва адабиёт (иншо), математика (оғзаки)дан кириш имтиҳонларини топирадилад.
Моделлаштириш группасига кирувчилар расм бўйича, қўн технологияси группасига кирувчилар математика ўрнига химиядан (оғзаки) кириш имтиҳонлари топирадилад.

Саккиз йиллик ва ўрта мактабларни, ўрта ҳунар-техника билим юртларини «4» ва «5» баҳолар билан битирган шахслар ҳужжатлар конкурси асосида ва қабул планининг 60 проценти атрофида қўйидаги ихтисосликларга кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилад: тикув фабрикалари ускуналари (кундузги, кечки бўлими), қўн, пойабзал ва мўйна корхоналари ускуналари (кундузги), қўн буюмлари технологияси (кундузги, сиртки, кечки), трикотаж ишлаб чиқариши (сиртки), ип-йигирув ва тикув фабрикалари технологияси (кечки).

Ариза ва ҳужжатлар қўйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 26-уй. Телефон 33-40-89 (1, 2, 5, 8, 9, 12-трамвайлар, 1, 5, 8-троллейбуслар, 2, 3, 10, 16, 17, 25-автобуслар билан борилади).

АГАРДА УЙИНГИЗДА КОНДИЦИОНЕР ЎРНАТИЛГАН БУЛСА ХОНАНГИЗ ҲАМИША САЛҚИН ВА ҲАВОСИ ТОЗА БУЛАДИ.



ТОҒ ДАРЁСИ КАБИ САЛҚИН

Хона майдони 25 кв.м. бўлса — БК-1500, агарда 30 кв.м бўлса — БК-2000, агарда 35 кв.м. бўлса — БК-2500 маркали кондиционерлар ўрнатилади.

«БК-2000-Т» КОНДИЦИОНЕРИ ФАҚАТ ЕЗДА ЭМАС, БАЛКИ ҚИШДА ҲАМ ХИЗМАТ КУРСАТАДИ. ЕЗДА СОВУТИШ, ҚИШДА ЭСА ИСИТИШ ТАРТИБИДА ИШЛАЙДИ.

КОНДИЦИОНЕР БАҲОСИ:
БК-1500 — 325 сўм,
БК-2000 — 350 сўм,
БК-2500 — 375 сўм;
БК-2000-Т — 400 сўм.
БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНДА БАРЧА МОДИФИКАЦИЯДАГИ КОНДИЦИОНЕРЛАР СОТУВГА ҚўЙИЛГАН.

ГУМ.

Ҳурматли тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари!



ТОШКЕНТ
РЕСПУБЛИКА
ОТЧОПАРИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК ОТ СПОРТИ
МАРКАЗИ ХИСОБЛАНАДИ.

13, 20, 27 ИЮЛЬ, 3, 10, 17, 24, 31
АВГУСТ, 7, 14, 21, 28 СЕНТЯБРЬ, 5, 12 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ

СОАТ 11.00 ДА БУЛАДИГАН
МУСОБАҚАЛАРНИ ТОМОША ҚИЛИШГА

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

МУСОБАҚАЛАР ПРОГРАММАСИ:
АНЪАНАВИЙ ВА БОШҚА СОВРИНЛАР УЧУН ПОЙГА
МуСОБАҚАЛАРДА Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР ва
РСФСР колхоз-совхозлари, от заводларининг энг яхши тул-
порлари қатнашади.

ОТ СПОРТИ ЛОТЕРЕЯСИ — ТОТАЛИЗАТОР ЎЙНАЛАДИ.
Бир пойгада иштирок этувчи билетнинг баҳоси — 1 сўм.
ҲАВАСКОР ЧАВАНДОЗЛАР УЧУН ПРОКАТ ПУНКТИ
ИШЛАЙДИ.

Прокат пункти йил бўйи (душанбадан ташқари) хизматинида.

Отчопар корхоналар, олий ва ўрта ўқув юртлари ҳамда муассасаларнинг раҳбарлари билан шартномалар тузади.

Йўгани бир соатга прокатга олиш баҳоси — 3 сўм.
ЭНГ ШОДИЕНА ВА ТАНАНАЛИ КУНИНГИЗДА 4
ЎРИНЛИ, УЧ ОТ ҚўШИЛГАН РУС АРАВАСИДА САЙР
ҚИЛИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.

Бир соатга — 20 сўм ҳақ тўланади.

8 ўринли фойтогда бир соат сайр қилиш баҳоси — 10 сўм.
Энг кичиктой меҳмонлар учун болалар фойтонини тавсия
этамиз.

Билет баҳоси—30 тийин.



ОТЧОПАРДАГИ «БЕГА» РЕСТОРАНИ. СОАТ 12 ДАН
23.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ; танаффус соат 17 дан 18.00 гача.

Прокат — соат 10 дан 18.00 гача очид.
ОТЧОПАР ТЕРРИТОРИЯСИДА ЯКШАНБА КУНЛАРИ
СОАТ 12.00 ГАЧА САНОАТ ЯРМАРКАСИ ТАШКИЛ ЭТИ-
ЛАДИ.

Отчопар адреси: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти (метронинг «С. Раҳимов» станцияси; 153, 172, 173, 180, 448-автобуслар; 17-трамвай, 1-«Қўйлик» — Калинин район маркази) маршрути таксисининг «Тошкент отчопари» бекати).
Телефонлар: 76-76-28, 76-75-47.

КАСБ ЭГАЛЛАШ МАСКАНИ

КУЙБИШЕВ РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ

САВДОСИ БЎЛИМИНИНГ

14-«БЕЛОРУСЬ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

КУПИНА ЕШЛАР УЧУН СОТУВЧИЛИК
КАСБИНИ ЭГАЛЛАШДА МУНОСИБ ЎҚУВ
МАСКАНИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ.

8 ки 10 синфни битирган қизлар бу мактаб-магазинга ўқишга қабул қилинадилад.

Курсни аъло баҳолар билан битирганлар ўқишни ўрта махсус ва олий ўқув юртларида давом эттиришлари мумкин.

Ўқишга кириш учун қўйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: директор номига ариза, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, автобиография, характеристика, турар жойидан справка, 6 та фотосурат (3х4 см).

Қўйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Луначарский шоссе, 50-уй (1-автобус, 17, 18-троллейбуснинг «Партия мактаби» бекати).


КУЙБИШЕВ РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДОСИ
БЎЛИМИ (телефон 33-92-56)

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитети наشري-
тининг Меҳнат Қизил Байроқ
орденли босмахонаси, Тошкент
шҳри.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» — орган Тошкентского горкома
Компартии Узбекистана и городского Совета народных депу-
татов.



РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:

700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.



ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-55, 37, 32-53-83; саноат ва қурилиш — 32-57-84; шаҳар хўжалиги ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 32-28-95, 32-55-32; ҳаётлар — 32-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; эълонлар бўлими — 33-81-42.